



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 25 октябрь, № 209 (5883)

Жума

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

МИНСК, 24 октябрь. ЎзА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 октябрь куни Беларусь Республикаси пойтахти Минск шаҳрига келди. Бу ерда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

Мамлакатимиз Президенти давлат раҳбарларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувариде иштирок этади. Музокараларда МДҲ доирасида кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболда уни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Ўзбекистон Ҳамдўстлик ташкил этилганидан буён унинг асосий органлари фаолиятида иштирок этиб, иқтисодий интеграцияни ҳамда икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг имкониятларини ривожлантиришни ёқлаб келади.

МДҲ саммити 25 октябрь куни бўлиб ўтади.

(ЎзА).

Ўзбекистон — БМТ:

Тараққиёт йўлидаги изчил ҳамкорлик

Дунёда турли мақсад ва вазибаларни кўзда тутиб, фаолият юритаётган ташкилотлар, тузилмалар кўп. Улар орасида йўналишлар қарови ҳамда халқаро миқёсдаги обу-этибори жиҳатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида ўрин эгаллайди.

САНА

Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилаётган мазкур ташкилот Низоми 1945 йилнинг 24 октябрида расман кучга кирган. Ушундан буён ҳар йили ушбу сана БМТ куни сифатида кенг нишонланади.

Кеча пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжумани ҳам ана шу санага бағишланди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идоралари, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон БМТга 1992 йилнинг 2 мартда аъзо бўлган. Юртимиз тарихи, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этилган ўша кундан эътиборан давлатимиз байроғи ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида хилпираб турибди. 1993 йилда Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда ташкилотнинг

бир қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС), Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама муносабатларда хавфсизлик, экология, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, таълим, соғлиқни сақлаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари бир неча марта БМТ минбаридан туриб, халқаро аҳамиятга мўлжал қилинган масалаларни кўтариб чиқди ва уларнинг ечими бўйича ўз таклифларини илгари сурди.

(Давоми 2-бетда).

Ёнилғи-энергетика тизими:

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР



Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти ривожланган ҳудудига айланди. Ҳозирги кунда республикамизда қазиб олинаётган нефтнинг 83, табиий газнинг 82, газ конденсатининг 94 фоизи мазкур вилоят ҳиссасига тўғри келаётгани ана шундан далolat беради.

Ҳақиқатан ҳам, ўз бағрида не-не сир-синаотларни яширган ушбу воҳа истиқлол йилларида юртимиз асосий энергия манбаининг макони сифатида намоён бўлмоқда. Чунки ўтган давр ичида бевосита Президентимиз ташаббуси билан “Муборакнефтваз”, “Шўртаннефтваз”, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхоналарида янги қувватлар барпо этилди. “Шўртан газ-кимё” мажмуаси ва “Таллимаржон” ИЭС каби йирик корхоналар ишга туширилди. Бугунги кунда эса уларнинг ҳар бири мамлакатимиз иқтисодиёти рағнақига муносиб улуш қўшаётир.



25 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш ўтказилди. Унда мамлакатимиз ички ишлар тизимида хизмат қилаётган ходимлар, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Осойишталигимиз посбонлари

Тадбирда ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов ва бошқалар иштирок этди. Ушбу байрам билан самимий қўлақ, ички ишлар идоралари тизими бугунги кунда халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққиёт этиши таъминлашнинг ишонч-

ли кафолатига айланиб бораётгани ва бунинг учун юртимизда зарур ҳуқуқий шарт-шароит, имкониятлар яратилганини алоҳида эътироф этди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ички ишлар идораларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишни янада кучайтириш борасида изчил ишлар амалга оши-



Хусусан, Муборак газни қайта ишлаш заводида модернизациялаш лойиҳалари изчил амалга оширилиши натижасида маҳсулот қайта ишлаш ҳажми 6 миллиард кубометрга кўпайди. Суялтирилган газ қурилмасининг ишга туширилиши муносабати билан йилга қўшимча 258 минг тонна суялтирилган газ, 125 минг тонна газ конденсати тайёрлаш имконияти яратилди.

— Корхонамида дастлабки йилларда 5 миллиард кубометр газ қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу кўрсаткич 29 миллиард кубометрни ташкил этмоқда, — дейди завод бош муҳандиси Элмурод Қурбанов. — Бундай натижага технологик линияларни муттасил такомиллаштириш ва янгилаш ҳисобига эришяпмиз. 2005 йилда йиллик қуввати 13,6 миллиард

кубометр бўлган газни пропан билан совитиш мажмуаси, 2011 йилда қуввати 2 миллиард кубометрлик табиий газни олтингугуртли бирикмалардан тозаловчи 22-сонли қурилма, ўтган йили эса 258 минг тонна суял-

ИСЛОҲОТ

тирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати бўлган тазолашга топширилгани шулар жумласидандир. Келгусида йилга 400 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарувчи йирик мажмуа қурилиши ҳам режалаштирилган.

Корхонада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг изланишлари натижасида барча қурилма бир маромда ишлатилиб, истеъмолчиларнинг талаби

тўлиқ қондирилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Айни пайтда заводда абсорбцион усулида тазаланган ва қурилган табиий газ, техникавий олтингугурт ҳамда газ конденсатини барқарорлаштириш йўли орқали суялтирилган газ ишлаб чиқаришмоқда. Мазкур маҳсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга бўлиб, “Аммофос-Максам”, “Максам-Чирчиқ”, “Навоий-азот” очик акциядорлик жамиятлари, Шимолий Учқудуқ маъданли конлар бошқармаси, Фарғона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси, Муборак иссиқлик электр маркази сингари кўплаб корхоналарга етказиб берилаёпти.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул

қилинган қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш томонидан ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти томонидан ИРЕС — Физика электроника бўйича VI халқаро конференция ташкил этилди.

Мазкур тадбир олимларимизнинг физика электроника соҳасидаги фундаментал ва амалий ютуқларини намойиш этиш, истиқболдаги тадқиқотларнинг долзарб йўналишларини белгилаш, уларни амалда қўллаш учун илмий натижаларни умумлаштириш, хорижлик олимлар билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Infolib Uzbekistan — 2013” миллий ахборот-кутубхона ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт

ишлари вазирилик, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда иккинчи бор ўшатирилган, ранг-баранг тадбирлар, тақдиротлар, кўргазмалар, экскурсияларга бой ўтиши кўтилаётган мазкур ҳафталик 28 октябрдан 1 ноябрга қадар давом этади.

● Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоятидаги 260 маҳалла фуқаролар йиғинига қиймати 465 миллион сўмликдан ортиқ замонавий ахборот-коммуникация технологияларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар маҳаллаларнинг компьютер жиҳозлари билан таъминланаётгани улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

● Андижонда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда Марҳамат туманидаги 18-умум-

таълим мактаби ўқитувчиси Гулбахор Таваккалова биринчи ўринни қўлга кiritиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Фидойилик ва садоқат мезони

Мустақиллик йилларида, барча йўналишларда бўлгани каби ички ишлар идоралари тизимини тубдан ислоҳ этиш, хусусан, унинг таркибий тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юксак салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳоли манфаатларини муҳофаза қилиш, айниқса, тинчлик, осойишталикни сақлашда муҳим омил бўлмоқда.

МУНОСАБАТ

Сўнгги вақтларда ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича қўриқилган аниқ чоратадбирлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва

юридик таъминлаш бошқармаси, жойларда унинг бўлим ва бўлинмалари ташкил этилди. Айни пайтда тизимнинг мазкур йўналиши юридик маълумотга эга бўлган, тажрибали ходимлар билан таъминланди.

Шу билан бирга, профилакти-

тика хизмати ҳам тубдан қайта ташкил этилди. Ҳозир ушбу соҳа вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, умуман, кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Бу эса, ўз навба-

тида, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 минг 900 дан зиёд қишлоқ ва маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганлиги бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Бугун халқимизнинг турмуш тарзи тобора фаровонлашиб бормоқда. Бу эса кўчаларимизда автотранспорт воситалари сони кундан-кунга ошиб бораётгани ҳам намоён бўлаётир. Бу шубҳасиз, йўл ҳаракати

хавфсизлигини таъминлашда соҳа ходимларининг янада масъулиятли бўлишини талаб этади. Бинобарин, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар ўз самарасини бераёпти, десак, айни ҳақиқат. Бунда, албатта, Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган кўплаб қонунности ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Осойишталигимиз посбонлари



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Президентимизнинг шу йил 23 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходим-

лари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасида-

ги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда бор куч-ғайратимизни аямаймиш.

гуруҳ соҳа ходимларига давлатимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу Фармони биз, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилган юксак эътибор ва ишончнинг амалий натижасидир, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медал соҳибига, Яққабоб тўра ИИБ хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, майор Исмаилов Шаймарданов. — Бундай рағбат юртимизда тинчликни сақлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар манфаатларини муҳофаза қилишда зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Келгусида билдирилган ишонччи оқлаб, она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишда бор куч-ғайратимизни аямаймиш.

— Сўнгги йилларда ички ишлар тизимида хизмат қилаётган етук касб малакасига эга ходимлар сафи тобора ортиб бормоқда, — дейди "Меҳнат шухрати" ордени соҳибига, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази цикл бошлиғи, подполковник Бахтиёр Мадазизов. — Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз тинчилиги ва осойишталиги, фуқароларнинг осуда ҳаёт кечирिशларини таъминлаш нақадар муҳимлигини намояндалар этди. Шу боис фаолиятимиз давомида соҳа ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий билимларини янада юксалтиришга асосий эътибор қаратамиш. Камтарона меҳнатимиз муносиб тақдирлангани бизни янада шижоат билан хизмат қилишга сафарбар этди.

Яқунда санъаткорлар томонидан тақдим қилинган байрам концерти тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Зиёда АШУРОВА.

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси Бош вазири идорасидаги вазир, ташқи ишлар бўйича иккинчи вазир, атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича иккинчи вазир Грейс Фу раҳбарлигидаги делегация 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил тараққий эт-

моқда. Мамлакатимизда сингапурлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 32 корхона фаолият юритмоқда. Улар энергетика, енгил саноат, озиқ-овқат, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Фан ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учрашувда мамлакатла-

римиз БМТ ва бошқа қатор нуфузли халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани қайд этилди. Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол, идоралараро муносабатларни кенгайтириш, томонларни қизқитириш минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Келгусида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш, илгор технологияларни жорий этган ҳолда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Сингапур делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ДАВРА СУХБАТИ

Осойишта юрда тараққиёт барқарор, аҳоли фаровонлиги юксак бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда тинчликни мустақкамлаш, уни асраб-авайлашга устувор вазира сифатида эътибор қаратилмоқда.

Муқаддас бурч

Шубҳасиз, тинчликка раҳна соладиган турли хавф-хатарлар — терроризм, экстремизм ва бошқа кўринишдаги ёвуз кучларга қарши курашиш, тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш жамият осойишталигини пухта таъминлаш қароридир. Бу борада тегишли идоралар, жумладан, ички ишлар органлари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилиши, турли семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади, албатта. Зеро, буларнинг барчаси жамоат тартиби ва хавфсизлигини мустақкамлаш, одамларда ҳушёрлик, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кўчайтиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда долзарбдир.

Пировардида дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган молиявий инқироз, нотинчликлар даврида ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, халқимиз турмуш даражаси изчил ошиб бормоқда. Демак, бундай дорилармон кунларнинг қадрига етиш, юртимиз тараққиётига хизмат қилиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, биз учун, ҳар қайси миллат ва халқ учун муқаддас саждагоҳ бўлмиш Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, бу йўлда керак бўлса, жон фидо қилиш юртининг жасур ўғлонлари, ўзини эр билган инсонлар учун азалдан ор-номус ва мардлик иши бўлиб келган.

Яқунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Кетринг ДУҚда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ИИБ ва бошқа тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган давра суҳбатига шулар алоҳида таъкидланди. Унда миллий авиакомпания ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Тинчликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни ёрқин келажакнинг мустақкам пойдеворида айлантириш хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари зиммасидаги ўта масъулиятли вазифадир, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Суннат Шеров. — Бу борада тегишли тушунтириш ҳамда профилактика ишлари олиб борилапти. Хусусан, мазкур чора-тадбирлар аҳолини жамият осойишталигига раҳна солуви терроризм, экстремизм ва бошқа иллатлардан янада огоҳ бўлиб яшашга қарши, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ватанпарварлик туйғуларига содиқ инсонлар қилиб вояга етказиш, ёт-ғоялар, турли кўринишдаги офатларнинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Тадбирда мавзуга доир маърузалар тингланди, ҳужжатли фильм намойиш этилди.

С. МАХСУМОВ.

Фидойилик ва садоқат мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳоли ўртасида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Юз берган йўл-транспорт ҳодисалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусида бундай кўнгилсизликларга чек қўйиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Шу ўринда ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, тизим вакиллари малакасига боғлиқлигини қайд этиш жоиз. Соҳага юксак салоҳиятли кадрларни жалб этиш, уларнинг иқтидорини, малакасини, шижоатини, билим ва кўникмаларини инobatта олган ҳолда тегишли йўналишларга (жойга) баъриштириш, шахсий таркибини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ходимларнинг маънавий онги ва дунёқараши юксалтириш бугунги кунда айна заруратдир. Шу боис тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимиз жасоратига содиқлик руҳида тарбиялашга жиддий аҳамият қаратаёلمиз.

Ички ишлар идоралари ходимларини маънавий қадрият-

лар асосида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати тизимида Тарбиявий ишлар бошқармаси, жойларда эса тарбиявий ишлар бўлими ва бўлинмалари ташкил этилди. Тарбиявий ишларни олиб боришда бир қатор жамоат тузилмалари имкониятларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Шунингдек, мазкур вазифалар ИИБ тизимидаги олий ўқув юрталари, хусусан, ИИБ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби томонидан изчил бажариб келинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2004 йилда қабул қилинган Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармонида кўра, ИИБ Академияси қошида вазирлик таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилгани ички ишлар идораларида хизмат қилиш нақадар

муҳим ва шу билан бирга, масъулиятли эканини намояндалар этди.

Ўз навбатида, хизматда фидойилик кўрсатган ходимларимиз ҳуқуқимиз томонидан мунтазам рағбатлантирилиб келинаётганини юксак ғамхўрлик ва эътибор натижаси, дейиш мумкин. Хусусан, ўтган даврда ички ишлар идораларининг минг нафардан зиёд ходими давлатимизнинг юксак мукофотлари-га сазовор бўлишди. Қуни кеча Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан хизматда намуна кўрсатган, ўз ишининг фидойисини бўлган бир гуруҳ ходимларимиз муносиб тақдирланди. Бу, албатта, соҳада фидойи, мард ва доимо жасорат кўрсатишга шай ўғлонларимиз хизмат қилаётганидан дарак беради.

Мухтасар айтганда, бугун ИИБ тизими ходимлари халқимиз осойишталигини таъминлашда бор куч-ғайратларини, матонатларини амалда намояндалар этишмоқда. Шах-шубҳа йўқки, мустақиллигимизни мустақкамлаш, юртимизда тинчликни, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани адо этишда юрт посбонлари собитқадамликни қўлдан беришмайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир.

Р. МАМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари.

Ёнилғи-энергетика тизими:

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, вилоятда энг кўп инвестиция қилинаётган соҳа ҳам ёнилғи-энергетика тармоғи ҳисобланади. Бунга салоҳиятли ва ноёб ишлаб чиқариш объекти ҳисобланган "Шўртан газ-кимё" мажмуаси барпо этилиши мисол сифатида келтириш мумкин. Негаки, бу мажмуанинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз саноатидо энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Эътиборлики, бу билан саноатда янги тармок — полиэтилен ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш ўзлаштирилди. Ваҳолонки, мажмуа иш бошлаган дастлабки йилларда полиэтилен гранулясини қайта ишлаш етарли даражада ривожланмаганлиги боис ҳам ашёнинг асосий қисмини экспортга сотиш кўзда тутилган эди. Аммо мутахассисларнинг олиб борган изланишлари натижасида кўп ўтмай мажмуада ушбу хом ашё қайта иш-

ланиб, ундан тайёрланган рақобатдош полиэтилен маҳсулотлари ташқи бозорда ўз харидорларига эга бўлди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ички бозорда полимер маҳсулотларига ва ёнилғига бўлган талабнинг ортиб боришини ҳисобга олиб, "Шўртан газ-кимё" мажмуасида полимер маҳсулотлар турлари ва ҳажмини ошириш ҳамда "Шўртан газ-кимё" мажмуасидан чиқаётган метан газини асосида синтетик суюқ ёнилғи (GTL) ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ишлар олиб боришмоқда.

Синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш заводининг қурилиши эса, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, иқтисодиётимизни диверсификация қилишдаги ўта муҳим лойиҳа-лар сирасига қиради. МДҲ ва Европада ягона бўлган ана шу лойиҳа орқали экологик тоза синтетик суюқ ёнилғи, аввало, Евро-IV, Евро-V стандартларига мос дизель ёнилғиси ҳамда авиакеросин ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бунинг учун бу ерда имконият ва шарт-шароитлар етарли. Чунки мутахассисларнинг ҳулосасига кўра,

"Шўртан газ-кимё" мажмуасидан чиқаётган метан газининг тозаллиги 98-99 фоизни ташкил этади. Малайзиянинг "Petronas" ва Жанубий Африка Республикасининг "Sasol" компаниялари билан ҳамкорликда барпо қилинадиган янги ноёб корхона хом ашёдан жондор энг илгор GTL технологияси асосида йилга 671 минг тонна дизель ёнилғиси, 282 минг тонна авиакеросин, 370 минг тонна нефть ва 65 минг тонна сульфурланган газ ишлаб чиқариш имкониятини яратяпти. Ҳозир мажмуада ушбу лойиҳани юзга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётди.

Вилоятнинг ёнилғи-энергетика тизими ҳақида сўз кетганда, яна бир йирик мажмуа — "Шўртаннефтьгаз" унитар



корхонаси фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, истиқбол йилларида бу корхонада амалга оширилган ишлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Масалан, бундан 15-16 йил аввал автоулов ёнилғисига муқобил бўлган сульфурланган газ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган газдан пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмаси

бунёд этилган эди. Унинг ўзига ҳосилиги шундан иборатки, турбодетандер ускуналари ёрдамида йилга 3 миллиард кубометр газни минус 70-75 даражага совиштиш орқали 45 минг тонна сульфурланган газ ажратиш олиш мумкин. Умуман олганда, "Шўртаннефтьгаз" унитар корхонаси газдан пропан-бутан аралаш-

маси олиш технологияси ёрдамида йилга 15 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, салкам 220 минг тонна сульфурланган газ олиш қувватига эга. Бу, аввало, истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, қолаверса, миллионлаб автоуловларни тежамкор ва экологик жиҳатдан зарарсиз ёнилғига ўтказиш ишларини жаддалаштириш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш учун айна муқаддас.

Нефть ва газ саноатидаги бундай ижобий ўзгаришларда Президентимизнинг 2000 йил 28 апрелдаги "Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита ҳорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда. Негаки, бу ҳужжатга мувофиқ, геология-қидирув ишлари билан шуғулланувчи компаниялар учун солиқ борасида бир қатор имтиёз ва преференциялар, янги очилган конларни ўзлаштиришга эса концессия бериш амалиёти жорий қилинди.

Мухтасар айтганда, нефть ва газ саноатини ривожлантириш стратегик концепцияси соҳада ёш ва билимдон мутахассисларни шакллантириш, мамлакатимизда нефть мустақиллигига тўлиқ эришишдек эзгу мақсадларни рўйга чиқаришда муҳим омил бўлаётди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

АКАДЕМИК ЎТКУР ИСЛОМОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Атоқли археолог ва тарихчи олим, тарих фанлари доктори, академик Ўткур Исломов 81 ёшида вафот этди.



Ў. Исломов 1932 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1956 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтининг лаборант сифатида бошлади, дастлаб номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Археология ва тарих фани ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ў. Исломов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий ходими, бўлим мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими мудири каби вазифаларда меҳнат қилди.

Таниқли олим археология ва тарихшуносликнинг долзарб масалаларига оид кўплаб монография ва рисола, илмий мақолалар муаллифидир. Айниқса, унинг раҳбарлигида Фарғона водийси ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон замини энг қадимий одамзод манзиллоҳларидан бири эканини илмий асосда исботлаш имконини бергани, мамлакатимизнинг мезолит даврига оид тарихи айнан ана шу изланишлар асосида яратилганини илмий жамоатчилигимиз яхши билади.

Жонкуяр ва фидойи олим ўз фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Академик Ў. Исломовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўткур Исломовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИХОВ, Э. РҒВЕЛАДЗЕ

ДУНЁ НИГОҲИ

Яқинда Хитойда нашр қилинадиган «Контимост» журнали саҳифаларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва сармоявий салоҳиятига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди. Улар «Мега-инфо-тур» лойиҳаси доирасида мамлакатимизда бўлиб қайтган шанхайлик журналистлар ижодий сафарининг маҳсули сифатида журналхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

«Контимост» журнали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва сармоявий салоҳияти ҳақида

«Контимост» журналида эътироф этилганидек, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси жадал ривожланаяпти, янги-янги туристик йўналишлар ўзлаштириляпти, ўлкамиз эса бутун дунё сайёҳларини оҳанрабодек ўзига тортмоқда.

Хитойлик журналистлар Ўзбекистонда хорижлик меҳмонларга таклиф этилаётган хизматларнинг сифати юқори даражада эканлиги ва ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит яратилгани хусусида фикр билдиришган, юртимизда замонавий меҳмонхоналар ва сайёҳлик агентликлари тармоғи, ривожланган ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тизими яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлашган.

Мақолалардан бирида давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор, хусусий сайёҳлик фирма ва компаниялари ҳамда меҳмонхона тармоқларидан иборат уюшмалар амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида

Ўзбекистон иқтисодиётида туризм жабҳасининг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини қайд этилади. Муаллифлар Ўзбекистон сайёҳлик индустриясининг жадал тараққиёти билан журналхонларни атрофича таништириш экан, Тошкент халқаро туризм ярмаркасини соҳа ривожланишидаги муҳим омиллардан бири сифатида қаламга олишган. Уларнинг ёзишича, ушбу йirik форум минтақада фаолият кўрсатадиган туроператорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни, ички сайёҳликни ривожлантиришга ҳам кўмаклашайтириш, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши эса уларга нафақат ёзда, балки йилнинг бошқа фаслларида ҳам дам олиш ва соғломлаштириш масканларига оилавий сафарларни уюштириш имконини бермоқда.

«Контимост» журналида қайд этилишича, Тошкент халқаро туризм ярмаркаси нуфузининг тобора ошиб бораётгани хорижлик туроператорларда Ўзбекистонга

нисбатан катта қизиқининг мавжуд эканлигидан далолатдир. Бунинг сабаби эса хорижда Ўзбекистоннинг бой миллий мероси, маданияти, урф-одат ва аънавлари билан яқиндан танишишга бўлган иштиёқнинг тобора ортиб бораётгани орқали изоҳланади. Қолаверса, Ўзбекистонда экологик саёҳатлар, ҳордиқнинг фаол турлари ва экстремал спорт сингари сайёҳлик имкониятларининг янги қирралари ҳам аллақачон ўзлаштирилган.

Нашрда Тошкентда бўлиб ўтган «Дам олиш олами — 2013» халқаро сайёҳлик кўرғазмаси чоғида пазандалик туризми бўйича мутахассисларнинг ўзбек миллий таомлари тайёрлаши аънавлари билан яқиндан танишуви тафсилотлари ҳам қаламга олинган. Шу билан бирга, Хоразм вилоятида ички туризмининг рағбатлантириш ва вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини намойиш этиш мақсадида Хивада ўтказилган «Uzbekistan Travel

Workshop — 2013» минтақавий форуми тўғрисидаги маълумотлар ҳам «Контимост» саҳифаларидан жой эгаллади.

Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси учун малакали кадрлар тайёрлаш масалалари мавзусига бағишланган мақолада эса Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳамда Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганч ва Хивада жойлашган 9 та касб-хунар коллежида, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти сингари олий ўқув юртиларида ушбу соҳа мутахассислари тайёрланаётгани журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Ўзбекистонда хорижлик сармоядорларга тақдим этилаётган имтиёз ва енгилликлар тўғрисидаги мақола ишбилармонлик янгиликларини руқни остида чоп этилган. Унда мамлакатимизда санотнинг юқори технологик тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантириш, республикада сармоя муҳитини тақомиллаштириш, солиқ қончилигидаги катта имкониятлар, мутасар айтганда, юртимизда хорижлик сармоядорлар фаолияти учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тафсилотлари қаламга олинган.

«Жаҳон» АА. Шонхай

Интерфаол хизматлар тури кенгаймоқда

«Uzinfo.com» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш маркази мутахассислари Давлат-тижорат Халқ банкида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнини ўрганиб чиқдилар.

ХАЛҚ BANKI

Ушбу тадбир банк фаолиятини янада оптималлаштириш ва реинжининг қилиш мақсадида амалга оширилди. Ўрганиш давомида банкнинг расмий веб-сайти юритилиши, интерактив хизматлар жорий қилиниши, АКТ-инфратузилмаси хатланганлиги ва технологик аудитдан ўтказилганлигига эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда тасдиқланган иш концепцияси таҳлил этилди.

Яқуний фикрга кўра, Халқ банкининг бу борадаги фаолияти ижобий баҳоланади. Бу мазкур молия муассасасида АКТни ривожлантиришда етарлича тажриба тўпланганлигидан далолатдир.

Шу билан бирга, Халқ банкининг www.xb.uz расмий сайти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш тўғри-

«»ги қароридан белгиланган вазифаларга мос равишда ишламоқда. Яъни сайтнинг дизайни ҳам, мижозлар билан алоқа ўрнатиш ва уларга янгиликлар етказиш бўлимлари ҳам бугунги талабларга тўлиқ жавоб беради. Сайтдан фойдаланувчилар эса банк-молия соҳасига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки курсатилган хизмат турлари ҳақида тез ва батафсил маълумот олиш имкониятига эгадир. Ўрганиш жараёнида, шунингдек, ахборот-коммуникация тизимини янада тақомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Бу, ўз навбатида, Халқ банки фаолиятини ривожлантириш, мижозлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқ банки ахборот хизмати.

Маҳалла болаларига туҳфа

Шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги Адолат маҳалласи ўсмирлари ва кичкинтойлари бўш вақтларини ҳар қачонгидан ҳам сермазмун ўтказмоқдалар.

БУНЁДҚОРЛИК

Худудда замонавий болалар хибони ҳамда спорт майдончаси бунёд этилган, улар учун шундай имконият яратилди. — Бу қулайликдан фараздларимиз жуда мамнун, — дейди ўй бекиси Фазилат Эргашева. — Биласиз, кўп қаватли тураржойларда яшовчиларда бундай очик

майдон ва хибонларга эҳтиёж, айниқса, катта. Эндиликда болажонларимиз мини-футбол, баскетбол ҳамда теннис майдончасида спорт билан шуғулланишмоқда. Шунингдек, хибонга ўрнатилган аттракционлар ҳам эртаю кеч кичкинтойлар хизматида.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдосига ТИФ «Миллийбанк» томонидан ТИФ «Миллийбанк» Кенгашининг 2013 йил 24 апрелдаги 25-сонли йиғилиш қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Саманбай кўрғонига жойлашган, собиқ «Қорақалпоғистон» иссиқхона жамоа ҳўжалигига тегишли, умумий ер майдони 14,0 гектар, шундан қурилиш ости ер майдони 66 940,05 кв.м. дан иборат бино-иншоотлар ва бошқа мулклар мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 469 601 497 сўм.

Танлов таклифларини қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 11 ноябрь куни соат 18.00. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2013 йил 13 ноябрь куни 15.00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ мажлислар залида амалга оширилади (таклифлар келиб тушмаган тақдирда, савдолар 2013 йил 20, 27 ноябрь, 4, 11 декабрь кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади. Такрорий савдоларга таклифлар қабул қилиш мuddати: 20 ноябрдаги савдо учун — 18 ноябрь, 27 ноябрдаги савдо учун — 25 ноябрь, 4 декабрдаги савдо учун — 2 декабрь, 11 декабрдаги савдо учун — 9 декабрь кунлари соат 18.00).

Очик танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридagi закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

«ТУРОН КИМ ОШДИ САВДО» МЧЖ

«Кўнғирот сода заводи» унитар корхонаси учун асбоб-ускуналар сотиб олишга тендер савдоси эълон қилади.

Тендерда қатнашиш учун қўйидаги шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган асбоб-ускуналарнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес корхоналар иштирок этишлари мумкин.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили: «Кўнғирот сода заводи» УК, Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот тумани, Элобод кўрғони.

Тендер предмети — қўйидаги лотлар бўйича асбоб-ускуналар етказиб бериш:

- 1-лот. Гиперпрессланган гишт ишлаб чиқариш линияси — 1 тўплам (соатига 13 000 — 15 000 дона).
2-лот. Қурилиш охагини ишлаб чиқариш линияси (кунига 45 — 50 тонна).
1-лот бўйича сотиб олинadиган асбоб-ускунанинг энг юқори баҳоси — 600 000 АҚШ доллари.
2-лот бўйича сотиб олинadиган асбоб-ускунанинг энг юқори баҳоси — 500 000 АҚШ доллари.

Тендер савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон Халқ демократик партияси биноси, 2-қават, 204-хона. Телефон: (8-362) 226-63-57. Гувоҳнома № 0159.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижлик инвесторлар диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги давлат активи қўйилади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Байроқтоқ кўчаси, 15-уйда жойлашган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 12 162 601 528 сўм. Балансда сақловчи — Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолият йўналиши — маъмурий бино-иншоотларнинг маълумот базасини яратиш ва уни тақомиллаштириш. Аукцион савдоси 2013 йил 25 ноябрь куни соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси 25 ноябрь куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 2, 9, 16 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 (ийгирма) кундан кейинчи олд-соти шартномаси тузилади.

Талабгорлар олдиндан савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қўйидаги банк реквизитларига давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиали, х/р: 2020800020492060919, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш

билдиришнома чоп этилган санадан бошланади ва аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошлангичдан уч соат олдин тўхтайтилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ёхуд почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусxada тақдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй. Маълумотлар учун телефон: (8-371) 236-38-28. Факс: (8-371) 236-38-28. Электрон почта: info@1kms.uz. Интернетдаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИга зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижлик инвесторлар диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қўйидаги давлат активи қўйилади: Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Тошкент маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 191,96 кв.м. (битта бино) бино-иншоотларнинг қурилиш ости майдони 52,8 кв.м.дан иборат 13-сонли мой алмаштириш шохобчаси.

Бошланғич баҳоси — 37 947 893 сўм. Балансда сақловчи — Тўрақўрғон нефтбаза» УК. Фаолият йўналиши — аниқ иختисослаштирилмаган кенг турдаги махсулотларнинг улгуржи савдоси.

Аукцион савдоси 2013 йил 28 ноябрь куни соат 14.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 5, 12, 19 декабрь кунлари соат 14.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 (ийгирма) кундан кейинчи олд-соти шартномаси тузилади. Талабгорлар олдиндан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АИТБ «Ипотeka-банк» Наманган вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлашлари лозим: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома чоп этилган санадан бошланади ва аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошлангичдан уч соат олдин тўхтайтилади. Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган мuddатларда шахсан ёхуд почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусxada тақдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Маълумотлар учун телефон: (8-369) 227-97-01. Факс: (8-369) 227-94-47. Электрон почта: info@1kms.uz. Интернетдаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИга зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!



Ўзининг сўлим табиати билан ажралиб турадиган "Хисор" давлат қўриқхонаси хуудди жиҳатидан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасидagi энг катта муҳофаза остига олинган маскан ҳисобланади.



КОНСТИТУЦИЯ —
менинг
такдиримда

"Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси.

Яшил олам латофати

Юртимизнинг бир пайтда ўзида тўрт фасл латофатини мужассамлаштирган табиати кимларни мафтун этмаган, дейсиз?! Қорли тоғлар, уфққа туташ бог-роғлар, зилло ва маржон булоқлар, сирли ҳамда виқорли ўрмонзорлар атроф-муҳитга ҳамиша ўзига хослик бахш этиб туради.

Кувонарлиси, мустақиллик йилларида она-табиатнинг бундай бетимсол инъомлари алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Табиати асраб-авайлаш, унга оқилона муносабатда бўлишнинг мустақам қонуний асослари юзга келди. Бу, энг аввало, Конституциямизда ўз ифодасини топиб, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик сифатида давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди. Шу тарихи, яшил бойликларни асраб-авайлаш, бог ва ўрмон хуудларини янада кенгайтириш, уларни келажак авлодга бор кўру таровати билан етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида изчиллик касб этди.

Бу йўналишдаги ишлар қўламини "Угом-Чотқол" давлат табиат Миллий боғи таркибидagi "Бурчмулла" ўрмон ҳўжалиги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳўжалигимиз бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан юртимиздаги энг йирик қўриқхоналардан бири саналади.

Кейинги йилларда давлатимизнинг соҳага қаратаётган катта эътибори тўғрисида бу ердаги ўрмонзорлар майдонини кенгайтириш бўйича салмоқли натижаларга эришди. Ўрмон кўчатчилигини ривожлантиришнинг ўзига хос мактаби шаклланди.

Шу билан бирга, ҳудудимизга қарашли яшил бойликларни химоя қилиш, уларнинг табиий ҳўсийатларини сақлаш, маҳсулдорлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Бу борада ишлаб чиқил-

ган махсус дастур янги ўрмонлар барпо этиш, кўчатхоналар фаолиятини кенгайтириш, навлар таркиби ва сифатига эътибор қаратиш, экинзорларни зараркунанда ва ҳашаротлардан сақлаш бўйича мажмуавий ишларни ўз ичига олган. Бунинг натижасида кейинги ўн йил ичида миллион боғ тасарруфидagi ўрмонзорлар қарийб 4 минг гектарга кенгайди. Бунга сўнуй ўрмонзорлар ташкил этиш ва қаровсиз яшил хуудларнинг табиий тикланишини жадаллаштириш орқали эришилди. Янги ўрмонзорларга мустақам замин яратиш мақсадида ҳўжалигимиз қошида 40 гектардан зиёд махсус кўчатхона фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда ноёб мевали ва манзарали ниҳоллар парваришланмоқда. Шу билан бирга, жамоамизнинг асосий эътибори ўрмонларнинг санитар холатини яхшилаш, сугоритиш тизимларини талаб даражасига келтириш, дарактзор кушандаларига қарши самарали усулларда курашишга қаратишмоқда.

Дарвоқе, биз тарафларга йўлиниги тушса, Угом-Чотқол тоғ тизмаларининг музликлар билан қопланган Бештор чўқисига ҳам рўбарў келасиз. Балки эшилган чўқисиз, у жаннатмонанд дёйримиизнинг энг юқори нуқталаридан бири саналади. Баланглиги 5 минг метргача етадиган бундай пурвирок чўқиларга боқиб, она-табиатиимизнинг фусуркор кўрку тароватига қойил қолишигиз тайин!

Анвар ИНОМБОЕВ,
«Бурчмулла» ўрмон
ҳўжалиги мутахассиси.

«Қизил китоб» саҳифаларидан

Халқимизда азал-азалдан лайлақлар эзгулик ва тинчлик элчилари, дея эъозланади. Айтишларича, у тинч ва осуда юртларда макон тутар эмиш. Шу маънода, улқамизда лайлақлар сон жиҳатидан нисбатан кўплиги, баъзи йиллари қишлоқ учун қолиши кўнглимизни кўтаради, қалбларга қувонч бағишлайди.

Туркистон оқ лайлаги

Туркистон оқ лайлаги эса аста-секин камайиб бораётган, учиб ўтувчи тур ҳисобланади. У мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқими, Чирчиқ дарёсининг қуйи ва ўрта оқими, Фарғона водийси, Туркистон тоғ этаклари, Сурхондарё вилояти жанубида уялаб, қисман қишлайди. Илгари эса Хоразм, Бухоро ва Самарқанд воҳаларида ҳам ин курган.

Лайлақлар, асосан, баҳорги учиб ўтиш даври, яъни февраль-март ойларида дарё

бўйлари, ботқоқликлар, шунингдек, сугориладиган экин майдонлари атрофидa кўним топади. Баланд дарактлар, симёғочлар таянчларида уялаб, апрель-май ойларида 3-5 та тухум қўяди. Тухумини 32-34 кун ичида ёриб чиққан полапонлари кузги учиб ўтиш пайти — август-сентябрь ойларида учирма бўлади. Майда балиқлар, қурбақалар, судралиб юривчилар ва сув-



Ўрмонларнинг муҳим қисми бўлиб, уларни ҳар қадамда учратиш мумкин эди. Ҳозирги кунда эса шарқий популяцияларига сақланиб қолган, ҳолос. Улқамизда жаҳон популяциясининг 70-80 фоизини ташкил қиладиган 1,5 минг жуфти уялайди.

да яшовчи умуртқасизлар билан озикланади.

Дарёларда сув режимиининг ўзгариши, сувли-ботқоқли ерларнинг эълштирилиши, қисқача айтиганда, уларнинг яшаши учун қулай бўлган жойларнинг камайиши мазкур турнинг озаёишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, Туркистон оқ лайлаги Ўзбекистонимизда 1960 — 1980 йиллар

ни ташкил этувчи «Қалъаи Шерон» сойи қўриқхонасининг Қизилсув бўлими хуудидан оқиб ўтади. Унинг қирғоқларидa 100-150, айрим жойлари 300 метргача етадиган тик қоялар мавжуд. «Байтал думи» шаршараси сўннинг ўнг қирғоғидagi 200 метр баланглиқдagi қоядан отилиб тушади. У

бурнига ўхшовчи иккита тирқишдан отилиб чиқадиган мазкур шаршара ўз номи билан «Хўкизбурун» деб аталади.

Мазкур шаршара серсув бўлганлиги тўғрисида қишнинг аёзли кунларида ҳам музламайди. Фақатгина сув отилиб чикувчи тирқишларининг юққа муз қоплай-

Ноёб шаршаралар маскани

денгиз сатҳидан баланглиги 4000 метрдан юқори бўлган «Хўжа Пир-пир ота» қояларидаги қорлар эришини йилнинг фақат апрель ва май ойларидагина пайдо бўлади. Тепалиқдан тушаётган сон-саноксиз сув зарралари шамолда сўз думининг ҳилпирашига ўхшаш манзара кашф этгани боис шундай ном олган.

Ушбу шаршарадан сой оқими бўйлаб 1-1,5 километр йўл боссангиз, яна бир ғаройиб шаршарага дуч келасиз. 35 метр баланглиқдан тик қоянинг ҳўкиз

ди, ҳолос. Пастки қисмида эса сув зарраларининг қояларга урилиши натижасида турли эртақ қаҳрамонларини эслатадиган манзаралар, ажиб шакллар пайдо бўлади. Аммо «Хўкизбурун» бор тароватини ёз ойларида намоян қиладиган Гап шундаки, шаршарадан 70-80 метр узокликка отилиб тушаётган сув мавжланиб, камалаксимон товланиб, турфа тусда олис-олислардан кўзга яққол ташланиб туради.

Қўриқхонанинг Мирокчи бўлими хуудида жойлашган

Ватан манзаралари

«Сувтушар» шаршараси эса мамлакатимиздаги энг узун ва серсув шаршара ҳисобланади. Нега деганда, унинг баланглиги 84 метр бўлиб, май-июль ойларида ҳар сонияда 5-6 куб метр сув

600 метргача учиб бориб, микроклимат ҳосил қиладиган. Натижада бу ерда ёзнинг жазирасида ҳам ҳаво салқин ва муътадил бўлади.

Шаршара узокроқдан янада маҳобатли ва виқорли кўринади. Шунинг учун уни Сувтушар кишлогидан туриб томоша қилганлар ўзгача завқ-шавқ олишади. Ахир қалин арчазорлар орасидан кўзга ташланиб турган шаршара овози ҳам рўйирост эшитилади. Сув зарраларидан ажиб манзаралар ҳосил бўлиб, камалак ранглирида товланиб, кишига ҳузур бағишлайди.

отилиб тушади. Шу жараёнда ҳосил бўлган зарралар 250-300 метр, кучли шамол эсиб турган пайларда 500-

Шунингдек, қўриқхона хуудидa «Қуркирак» ва «Оқ камар» шаршаралари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўзига хос кўриниши, гўзаллиги билан кишини мафтун этади. Шу боис «Хисор» давлат қўриқхонасини «Бағрида ноёб шаршараларни жамлаган киёси йўқ маскан», десак, муболаға эмас. Бу, ўз навбатида, қўриқхона ҳодимлари зиммасига янада катта масъуляят юклайди. Жамоамиз бунинг чўқур ҳис қилган ҳолда, ушбу табиат ёдгорлиқларини авайлаб асраш ва келгуси авлодларга беэвола етказиш мақсадида меҳнат қилмоқда.

Т. АРОМОВ,
«Хисор» давлат қўриқхонаси илмий ходими.



Тақдиркорликда ноанъанавий усул

Бухоролик тақдиркор Мубин Маҳкамовнинг оилавий фермасида Африка туяқушлари парваришланмоқда. Бу юмушда Мубин акага ўғли Азизбек яқиндан ёрдам берапти.

— Ўтган йили Тошкентда қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этилган халқаро кўргазмада қатнашиб, шундай туяқушларни боқиб, кўпайтириш кони фойда экани ҳақидаги маълумотларга эга бўлгандик, — дейди Бухоро агротехничесиде касб-хўнар коллежининг ветеринария йўналиши тўғрисида тақдиркор Мубин Маҳкамов. — Бизда шундай парранда ни Бухоро иклимига мослаштириб, кўпайтириш гоёси туғилди. Шундан сўнг бир жуфт Африка туяқуши харид қилдик. Интернет орқали уларни қандай парваришлагани оид маълумотларни олаймиз. Бу-

гунги кунга келиб, туяқушлар сонини ўттиз бошга етди. Унинг туҳуми йирик. Гўшти эса соғлиқ учун фойдаланади.

Айтиш жоизки, Маҳкамовлар хонадонини вакиллари табиатда учрадиган ноёб қушлар ҳамда паррандаларини ўй шароитида боқиб, уларни кўпайтириш борасида муайян тажрибага эга. Чунинч, оилавий фермада ҳозир етти мингта бедана парвариш қилинмоқда. Истикболда туяқуш, товус каби жонзотларни ҳам ноанъанавий усулда кўпайтириш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Сахий куз таровати

Мана, кечагина хунуқкина бўлиб турган юлғунзорлар ҳам бугун пушти қўйлақ қийиб, сайхонлигу далаларга кўклам келтиргандек, гўё. Кузнинг оғтоб нурига тўйинган узумларни танлар экансиз, қайси бошини тарозига қўйишни билмайсиз: бири-бирдан сархил, ширали, болли. Бахмал олмаларини шохидан узийша кўз қиймайди. Шигил, ранго-ранг мевали куз боғлари келинчак уйи мисоли чиройли, кўрки. Шолизорлар бағридан эса палов ҳиди фуради, тўю тантаналар оханги таралади. Ҳатто тиклониниши янтоқ ҳам дон болган. Зеро, улқамизнинг янтоғида ҳам ризк бор, насиба бор.

Полиларда пишмаган қовун тарвузини ўзи қолмади. Мезон шабодалари паланкнинг энг учидagi хомак қовунга ҳам маза берди-да! Бунинг халқимиз «Қузги газанак саратондаги обинови билан тенгшайди», деб таърифлайди. Ариқлар, зовурлар ва дала четларидаги ёввойи жийдалар болақайларини ўзига чорлайди. Енғоқ дарактлари шохларида зағизонлар пайдо бўлади. Тунги сал-

қиндан жунжиккан бодринг паллаклари чошгоҳда ўзига келди. Кечки сабзаот пайкаллари олачалоқ далаларга ажиб хусн киритади.

Соқин куз мусикасига ҳамоҳанг ҳавода мезонларнинг гоҳ мувоzanатли, гоҳ ўқур рақслари бошланади. Овлоқ далаларда чиябуриллар тунги овга чиқди, увиллашлари қишлоқ хонадонларига ҳам етиб келди. Полиэ оралаётган дехқоннинг оёғи остида бехосдан тустувоқ патиллаб қолади, лекин тутиқ бермайди. Боиси, парранданин кунга тўлган, хонадон товуклариникидек эти тўлган дам ҳозир. Омборларига кўламагача етулик емиш ғамлаган чоги, чумолилар ҳам аста-секин кўзга ташланмай қолади. Дарвоқе, бу паллада одамларнинг қазончида ҳам ҳаракат сезилади. Кечагина бўшаб турган тоқчалар шиша идишлардаги мева шарбатлари, мураббола билан тўлади.

Ҳайвонлар қадим-қадимдан инсоннинг доимий ҳамроҳи, яқин кўмакчиси. Масалан, ит уйни қўриқлайди, от ва эшак юк ташийди, мушук сичқоннинг донини беради, асалари бол улашади... Кейинги пайларда жониворларнинг инсоният учун хизмат доираси тобора кенгайиб бормоқда. Қуйида шу ҳақда маълумот берамиз.

Хўжасаббароф жониворлар

Америка Қўшма Штатларининг айрим денгиз соҳилларидаги курортларда махсус ўргатилган дельфинлар қоровуллик қиладилар. Уларнинг вазифаси — акулаларнинг пляжга ўтишига йўл қиймаслик. Бу ақли жониворлар айрим ҳолларда акулаларни чалғитиб, тузоққа тушириб ҳам берадилар.

Нидерландияда шундай тажриба ўтказилган: помидор экилган ҳўяқлар орасига қўнлар қийиб юборилди. Қизиги шундаки, қўнлар беғона ўтларни битта қиймай териб еган-у, аммо помидор-

ларга тегмаган. Афтидан, помидор ўсимлиги ва меваси улгарга ёқмаган. Натижада Европадаги энг йирик иссиқхоналардан бирига 75 та шалпангулоқ доимий ишга жалб этилди.

Ўқинг, қизиқ!



Буюк Британиядаги вискисақланадиган ҳовлилар омборхонаси олдига ўнлаб гоғлар айлиниб юради. Беғона одам ҳовлида пайдо бўлиши билан гоғлар шовқин солиб, атрофдагиларни хабардор қиладиган. Омборхона эгасига гоғларнинг бу хизмати жуда маъқул бўлди. Чунки паррандалар ҳам қоровуллик қиладиган, ҳам тухум қўяди, бироқ машо сўрамайди.

Маҳфуза ИММОВА тейёрлади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улғумуровов.
Мусаххич — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5